

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН
МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

Технология факультети

Ижтимоий фанлар кафедраси

«Иқтисодиёт назарияси» фанидан

**Мавзу: Ишлаб чиқариш жараёни мазмуни, омиллари ва
натижалари.**

Р е ф е р а т

Наманган-2014 йил.

Ишлаб чиқариш жараёни мазмуни, омиллари ва натижалари.

Режа

1. Социал-иқтисодий эҳтиёжлар назарияси ва уларни қондириш муаммолари.
2. Иқтисодий фаолият мазмуни ва унинг турлари.
3. Ишлаб чиқариш жараёнининг иқтисодий мазмуни.
4. Ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг турлари.
5. Ишлаб чиқаришнинг умумий ва провард натижалари.

1. Кишилиқ жамияти инсонлардан таркиб топган. Инсон эса барча жонзотларнинг энг олийси. У бошқа жонзотлардан ўзининг ақд-идроки билан ажралиб туради. У ҳаёт кечириши учун турли эҳтиёжларини қондириши шарт, чунки бусиз у яшай олмайди.

Инсонларнинг яшashi, ҳар томонлама камол топиши учун зарур бўлган барча неъматлар уларнинг ҳаётий эҳтиёжларини ташкил этади. Инсон ўз эҳтиёжларини қондириш йўллари қидиради. Эҳтиёжларни қондириш зарурлиги, яъни яшаш учун кураш уни фаолликка ундайди.

Эҳтиёжлар ниҳоятда турли-туман бўлиб, уларга турли жиҳатдан ёндашиш мумкин. Кўпгина иқтисодчилар у ёки бу хусусиятларига кўра эҳтиёжларни гуруҳларга ажратиб тушунтиришга ҳаракат қилишган. Альфред Маршалл немис иқтисодчиси Германнинг фикрига асосланиб, эҳтиёжларни *абсолют* ва *нисбий*, *минимал* ва *максимал* даражадаги эҳтиёж, *қондирилиши зарур* ва *қондирилишини кечиктирса бўладиган*, *бевосита* ва *билвосита* қондириладиган эҳтиёжлар, *жорий* ва *келажакда қондириладиган* эҳтиёжларга бўлади. Айрим адабиётларда *бирламчи* - энг зарур эҳтиёжлар, *иккиламчи* - қондирилишини кечиктирса бўладиган иккинчи даражадаги эҳтиёжларга бўлинади. Бирламчи эҳтиёжларга инсоннинг энг зарур бўлган озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа шунга ўхшаш эҳтиёжлари, иккиламчи эҳтиёжларга инсоннинг маънавий, интеллектуал фаолияти билан боғлиқ бўлган билим олиш, санъат, турли кўнгилочар тадбирларга қатнашиши каби эҳтиёжларни киритиш мумкин. Лекин бундай ажратиш шартли. Улар ҳар бир инсон учун индивидуал бўлиб, бир инсон учун кийим-кечак, турар жой бирламчи бўлса, бошқаси учун бундай бўлмаслиги мумкин. Биров учун кийим-кечакдан кўра билим олиш зарурроқ, бошқаси учун аксинча, ёки бир киши учун маънавий эҳтиёж ҳашам бўлса, бошқаси учун кундалиқ эҳтиёж бўлиши мумкин, ёки маълум вақт ўтгач оддий эҳтиёжларга айланиши мумкин.

Инсон эҳтиёжларига турли жиҳатдан ёндашиб, уни ҳар хил гуруҳларга ажратиш мумкин:

Эҳтиёжлар субъектларига кўра, индивидуал, гуруҳий, умум-жамият эҳтиёжларига бўлинади:

а) **индивидуал эҳтиёж** ҳар бир инсоннинг эҳтиёжини ифодалайди. У физиологик эҳтиёжлар, социал контактда бўлиш, ўзининг ҳар

томонлама камол топишига бўлган эҳтиёжлар ва бошқаларни ўз ичига олади;

б) **гуруҳий эҳтиёж** - бу оилавий ёки кишиларнинг бирон мақсадда бирлашган гуруҳлари (меҳнат жамоаси, турли уюшмалар) эҳтиёжлари бўлиб, биргаликда яшаш, фаолият юритиш жараёнида вужудга келадиган умумий эҳтиёжлардир;

в) **умумжамият эҳтиёжи** - бу мамлакат миқёсида, қолаверса Ер шари миқёсида инсонларнинг бир бутун бўлиб таркиб топган эҳтиёжларидир. У ўз ичига биринчидан, барча турдаги индивидуал ва гуруҳий эҳтиёжларни олса, иккинчидан, жамиятнинг яхлит организм сифатида яшаб туриши учун зарур эҳтиёждир. Буларга табиий ресурсларни асраш, муҳофаза, жамиятни бошқариш ва ҳоказоларни киритиш мумкин. Жамиятнинг эҳтиёжи турли ижтимоий тоифа ва гуруҳларга мансуб кишилар эҳтиёжининг яхлитлиги сифатида намоён бўлади. Табақаланиш даражасига қараб, эҳтиёжлар ҳам фарқланади.

2. Эҳтиёжлар объектига кўра моддий эҳтиёжлар, социал-маънавий эҳтиёжларга бўлинади.

Моддий эҳтиёжлар азалий, улар инсон пайдо бўлиши билан вужудга келган. Улар табиий эҳтиёждир. Моддий эҳтиёжлар энг зарур ва ҳаётий эҳтиёжлардир. Озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой, транспорт ва ҳоказо каби катор эҳтиёжлардан иборат бўлиб, уларнинг қондирилиши яшашнинг бирламчи шартидир. Моддий эҳтиёжлар, албатта моддий кўринишга эга, масалан, озиқ-овқатга эҳтиёж - ун, гуруч, ёғ, гўшт, шакар ва бошқалар каби моддий шаклга эга. Кийимларга бўлган эҳтиёж туфли, пайпоқ, костюм-шим, кўйлак, пальто, куртка ва бошқаларга бўлган эҳтиёж тарзида юзага чиқади.

Социал маънавий эҳтиёжлар азалий бўлмай, жамият тараққиётининг маълум босқичида, цивилизация пайдо бўлиши билан юзага келади. Жамият ривожланган сари социал-маънавий эҳтиёжлар табиий заруратга айланади ҳамда тобора юксала боради. Социал-маънавий эҳтиёжлар асосан турли хизматлардан фойдаланишга бўлган эҳтиёжлар тарзда юзага чиқади. Ўқитувчи, врач, санъат арбоби, спорт ва бошқалар хизматидан фойдаланиб инсон ахлоқий, маънавий, эстетик, жисмоний жиҳатдан тарбияланади, билим олади, касб эгаллайди, ҳар томонлама камол топади. Бу эҳтиёжлар яққол моддий кўринишга эга эмас.

1. Фаолият юритиш сфераси жиҳатидан меҳнат қилиш, мулоқотда бўлиш, дам олиш, иш қобилиятини тиклаш, иқтисодий фаолият юритиш эҳтиёжларини ўз ичига олади.

Меҳнат эҳтиёжи инсоннинг ўзида мужассамлашган. Меҳнатсиз инсон яшай олмайди, чунки меҳнатсиз нозу неъматлар яратиб бўлмайди, меҳнатсиз инсон шахси камол топа олмайди. Меҳнат эҳтиёжи инсонда меҳнат қилиш, ижод қобилияти борлигидан келиб чиқади. Инсон меҳнат туфайли жамиятда ўз ўрнини топади, ўз қобилиятини ишга солиб, обрў-эътибор қозонишга ҳаракат қилади. Инсон яшар экан, доимо бошқалар билан мулоқотда бўлишга эҳтиёж сезади. Шунинг учун ҳам ҳаётимизда «Ёлғизлик Худоба хос»

деган нақд бор. Инсон меҳнат қилар экан, албатта, иш қобилиятини тиклаш учун дам олиши, турли кўнгилочар тадбирларда қатнашиши зарур.

4. Эҳтиёжлар қондирилиши жиҳатидан якка ва биргаликда қондириладиган эҳтиёжларга бўлинади. Ҳар бир инсон ўз эҳтиёжларининг бир қисмини якка тартибда, иккинчи қисмини эса бошқалар билан биргаликда қондиради. Якка тартибда қондириладиган эҳтиёжга ягона ўлчам билан ёндашиб бўлмайди. Моддий эҳтиёжларнинг кўпчилиги одатда якка тартибда қондириладиган эҳтиёжларни ташкил этса, социал-маъкавий эҳтиёжлар кўпроқ биргаликда қондириладиган эҳтиёжлардан иборат. Масалан, кийимга бўлган эҳтиёж якка тартибда, билим олишга бўлган эҳтиёж биргаликда қондирилади.

5. Қандай мақсад кўзланганига қараб эҳтиёжларни *шахсий эҳтиёжлар* ва *ишлаб чиқариш эҳтиёжларига* бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, истеъмол товарлари ва иқтисодий ресурсларга эҳтиёж. Биринчиси инсоннинг бевосита эҳтиёжлари бўлиб, унинг ҳаёт кечириши, ҳар томонлама камол топишига қараталган. Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари эса инсон учун билвосита эҳтиёжлар бўлиб, унинг ёрдамида инсон яшаши, камол топиши учун зарур бўлган турги неъматлар ишлаб чиқариш учун зарур ишлаб чиқариш воситалари яратилади.

Эҳтиёжлар қандай гуруҳларга бўлинмасин, уларга қай жиҳатдан ёндашилмасин, улар бир-бири билан боғлиқ, бири иккинчисини тақозо қилади ҳамда ягона умумжамият эҳтиёжлари тарзида шакл-ланади.

Жамият умумий эҳтиёжларининг таркиб топиши ва ривожланишига қатор омиллар таъсир кўрсатади.

Уларни умумий тарзда қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Аҳоли сони, ёши, жинси.
2. Табиий-географик шароит.
3. Тарихий, миллий анъаналар ва одатлар.
4. Жамиятнинг иқтисодий тараққиёти.
5. Маданий жиҳатдан эришилган даража.

Жамият ҳар хил одамлардан таркиб топар экан, албатта улар-нинг эҳтиёжларрт ҳам бир-биридан фарқ қилади. Шу билан бирга эҳтиёжларнинг шаклланишига таъсир этадиган омиллар мавжуд.

Эҳтиёжларнинг юксалиб бориши. Кишилиқ жамияти тараққиётига назар ташласак, эҳтиёжларнинг юксалиб боришини кўрамиз.

Эҳтиёжларнинг узлуксиз ўзгариб туриши ҳар қандай жамиятга хосдир. Ҳозирги назариячилар эҳтиёжлар чексиз, улар ўсишининг тўхташи, жамият ҳаётининг тўхташини билдиради, деб эътироф этишади. Эҳтиёж ўсмаганда эди, ишлаб чиқаришнинг тараққий этишига зарурат бўлмас эди.

Эҳтиёжларниш юксалиши икки йўналишда амалга ошади.

1. Кишиларнинг эҳтиёжи миқдоран ўсиб боради. Бу бир томондан, аҳоли сонининг кўпайиб бориши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, истеъмолнинг ортиши билан боғлиқ.

2. Эҳтиёжлар таркиби ўзгариб, кўпайиб боради. Ишлаб чиқаришнинг ўзи эҳтиёжларнинг ўсишига, таркибининг ўзгаришига катта таъсир кўрсатади.

Биринчидан, ишлаб чиқариш орқали турли неъматлар яратилади ва шу неъматларга бўлган эҳтиёжларни қондириш имкони яратилади. Эҳтиёжнинг қондирилиши ўз навбатида янги эҳтиёжларни вужудга келтиради. Масалан, автомобиль сотиб олиб эҳтиёжни қондирилиши ўз навбатида қатор янги эҳтиёжларни келтириб чиқаради: машина турадиган жой керак, ёнилғи, эҳтиёт қисм ва бошқалар, суғурта қилдириш, солиқлар тўлаш ва ҳоказоларга эҳтиёж.

Иккинчидан, фан-техника тараққиётининг тезлашуви, аҳоли турмуш тарзи ҳам эҳтиёжларни тубдан ўзгартиради. Янги ихтиро қилинган нарсаларни ишлаб чиқариш уларга эҳтиёжни вужудга келтиради, уларни одамлар сотиб олишга ҳаракат қиладилар. Масалан, кир ювиш машинаси, видеомагнитофон ва бошқалар.

Учинчидан, ишлаб чиқариш маиший маданиятни шакллантиради. Оддийгина мисол. Дастлабки ибтидоий одамларнинг овқат тайёрлаши билан ҳозирги овқат тайёрлаш технологияси тубдан фарқ қилади.

Ишлаб чиқариш эҳтиёжларни шакллантирар экан, ўз навбатида эҳтиёжлар ҳам ишлаб чиқаришга таъсир этади:

1. Эҳтиёжлар яратувчанлик фаолиятининг сабаби ва аниқ йўналишига асос бўлади.
2. Инсон эҳтиёжларининг миқдор ва сифат жиҳатдан тез ўзгариши ишлаб чиқаришни унга мослашишига ундайди.
3. Эҳтиёжлар авангардлик ролини ўйнайди, пастдан юқорига интилади.

Бутун иқтисодиёт тарихини маълум бир маънода эҳтиёжларнинг шаклланиши тарихи тарзида кўриш мумкин.

Ҳозирги замон цивилизацияси даражасига эҳтиёжлар ва ишлаб чиқаришнинг бир-бирига таъсири асосида эришилган.

Жамиятнинг социал-иқтисодий тараққиёти, эҳтиёжларнинг юксалиб бориши иқтисодий қонунда ўз ифодасини топади. Бу қонун **ишлаб чиқариш ва маданият ривожланиши билан инсон эҳтиёжларининг юксалиб боришини, унинг миқдори ўсиб, таркибан янгиланиб боришини** ифодалайди.

Бу қонун ишлаб чиқариш билан эҳтиёжлар ўртасида алоқа, боғланишлар мавжудлиги ва унинг доимо бўлишини кўрсатади. Эҳтиёжларнинг юксалиши мураккаб тарзда кечади. Эҳтиёжларнинг чексизлиги кўпроқ социал-маънавий эҳтиёжларга тааллуқли.

Статистика эҳтиёжларнинг ўзгаришини ўрганиш мақсадида истеъмол товарларини асосан уч турухга бўлади:

- а) озиқ-овқат маҳсулотлари;
- б) ноозиқ-овқат товарлари;
- в) узоқ муддат фойдаланадиган товарлар.

Ер юзидаги аҳолининг сони бугунга келиб 6 миллиард кишидан ошди. Табиий бойликлар эса аксинча, камайиб бораяпти, бунинг устига табиий бойликлар - экин майдонлари, ўрмонлар, қазилма бойликлар, чучук сув миқдори чекланган.

Маълумки, эҳтиёжларни қондиришнинг ягона йўли ишлаб чиқаришдир. Ишлаб чиқариш учун эса турли-туман ресурслар керак. Ресурслар деганда турли эҳтиёжларни қондирадиган товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш учун ишлатиладиган барча воситалар ва меҳнатга лаёқатли кишиларни тушунамиз. Бу ресурслар моддий ва меҳнат ресурсларига бўлинади:

1. Моддий ресурслар - ер, фойдали қазилмалар, хомашё материаллар ҳамда бино-иншоот, асбоб-ускуна, машина, механизм, ҳар хил қурилма кабиларни ўз ичига олади.
2. Меҳнат ресурслари - меҳнатга лаёқатли, маълум малака ва маҳоратга эга кишилардан иборат.

Ҳар бир ресурс ундан ишлаб чиқаришда фойдаланганда маълум самара беради. Ресурс келтирадиган натижа ўз чегараларига эга. Ҳар қандай ресурсдан энг яхши, оқилона фойдаланилган тақдирда ҳам маълум миқдордан ортиқ маҳсулот яратиб бўлмайди.

Зарур ресурсларнинг чекланганлиги ишлаб чиқариш имкониятларининг ҳам чекланишига олиб келади. **Ишлаб чиқариш имконияти деб, мавжуд иқтисодий ресурслардан тўла фойдаланиш эвазига энг кўп маҳсулот ишлаб чиқариш тушунилади.** У ишлаб чиқариш имконияти чегарасини ифодалайди.

Ҳар бир хўжалик, оила, корхона, фирма, тармоқ, мамлакат ўзининг ана шундай чегарасига эга. Ресурслардан фойдаланиш даражаси турлича бўлганлиги учун барча товарлар бўйича ишлаб чиқариш имконияти чегарасини кўрсатиш қийин. Шунинг учун иқтисодиёт назариясида илмий абстракция услубини қўллаб, ана шу имконият чегарасини икки тур маҳсулот ишлаб чиқариш модели асосида таҳлил қиламиз. Икки хил маҳсулот - гуруч етиштирилади ва автомобиль ишлаб чиқарилади, дейлик. Ҳамма ресурсларни иулда ифодалаб 100 бирлик (100 млрд сўм, доллар, марка) дейлик. Гуруч етиштириш учун 2 бирлик, автомобиль ишлаб чиқариш учун 4 бирлик зарур. Агарда туручни Х, автомобилни У билан белгиласак, мавжуд ресурслардан фойдаланиб, ишлаб чиқариш ва етиштириш мумкин бўлган товарлар миқдори ўртасидаги боғланиш қуйидагича бўлади:

$$2X+4Y=100.$$

Мавжуд ресурсларни тўла ишлатиш шароитида гуруч етиштириш ва автомобиль ишлаб чиқариш имконияти чегараси

Маҳсулот турлари	Муқобил ишлаб чиқариш					
	А	В	С	Д	Е	Г

гуруч (минг тонна) «X»	0	10	20	30	40	50
автомобиль (минг дона) «У»	25	20	15	10	5	0

Кўриниб турибдики, агарда гуруч етиштирмай, фақат автомо-биль ишлаб чиқарсак, у 25 мингта, фақат гуруч етиштирилса, 50 минг тоннага тенг бўлар экан. Биринчисини етиштиришни кўпайтириш, албатта иккинчисининг камайишига олиб келади.

Жадвал маълумотлари асосида график чизсак, у қуйидаги кўринишда бўлади.

АГ чизиғини ишлаб чиқариш имкониятлари **эгри чизиғи** ёки трансформация **эгри чизиғи** деб аталади. Бу эгри чизик, одатда қавариқ шаклда бўлади. Сабаби, биринчидан реал ҳаётда ишлаб чиқарувчиларнинг сони кўп, уларнинг имкониятлари фарқ қилади; иккинчидан, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ниҳоятда хилма-хил.

Жадвалдан кўриниб турибдики, мавжуд ресурслардан максимал фойдаланиб, турли комбинацияда гуруч етиштириш билан *автомобиль* ишлаб чиқариш мумкин экан. Унинг қандай комбинацияда бўлишики танлаш керак. Корхона, фирма доирасида қандай комби-нациялар бўлишини, қанча, нима маҳсулот ишлаб чиқариш, қан-дай ишлаб чиқариш ва ким учун ишлаб чиқариш муаммосики тад-биркор ҳал этади, мамлакат миқёсида эса ҳукумат танлайди. Агарда маҳсулот ишлаб чиқариш миқдорини кўрсатувчи нукта ОАГ майдон ичига тўғри келса, у мавжуд ресурслардан тўла фойдаланмаганликни, имкониятларга қараганда кам миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарилганини кўрсатади.

Масалан, 15 тонна гуруч етиштириш ва 10 минг та автомобиль ишлаб чиқариш учун 70 млрд сўмлик ресурс талаб этилади. Биздаги мавжуд ресурс эса 100 млрд сўм.

ОАГ майдондан ташқари, нукта маҳсулот ишлаб чиқариш миқ-дорини мавжуд ресурсларга нисбатан кўпайишини билдиради.

Айтайлик, 30 минг тонна гуруч етиштирилиб, 20 минг дона ав-томобиль ишлаб чиқарилмоқчи, у ҳолда 140 млрд сўмлик ресурс талаб қилинади.

Тадбиркор олдида 2 йўл турибди. Бири мавжуд ресурслардан максимал фойдаланиб товарлар турини кўпайтириш, ресурсларни тежаш йўлларини топиш, иккинчиси эҳтиёжларни ўсишга қараб ўзида бўлмаса четдан жалб қилиш, қарзга олиш мумкин. Бу муаммони ҳар бир тадбиркор, ҳар бир мамлакат индивидуал тарзда ҳал этади, Лекин ресурслар чекланганлиги шароитида мавжуд ресурсларни тежаб қилатиш, товар турларини муқобил вариантини энг оптимал даражасини танлаш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бу рақобат курашида ҳам катта роль ўйнайди.

Иқтисодчиларнинг тадқиқоти кўрсатадики, биргаликда турли товарлар ишлаб чиқарганда 5% ресурслар тежалар экан. Ана шу тежалган миқдор коэффицентини 0,05 десак, мисолимизда

$2x+4y-0,05x-y=100$, агарда В вариантни танласак,

$2 \cdot 10+4 \cdot 20-0,05 \cdot 10 - 20=90$ млрд сўм.

Демак, 10 млрд сўмлик ресурс тежалаяпти, тежалган ресурс эвазига кўшимча равишда гуруч етиштириш ёки автомобиль ишлаб чиқариш мумкин.

Шунинг учун корхона, фирмалар иложи борича маҳсулот турини кўпайтирсалар ресурслар тежалганлиги эвазига харажатларни пасайтиришга эришадилар. Қайси товарни кўпроқ ишлаб чиқариши танлаш, уларга бўлган талаб билан таклифнинг нисбати, бошқача айтганда бозор нархларига боғлиқ бўлади.

Жамият тараққий этган сари истеъмол ўсиб, эҳтиёжлар тўлароқ қондирила боради. Эҳтиёжни қондириш усуллари ҳам ўзгаради. Ис-теъмол неъматлари тури кўпаяди. Эҳтиёжларнинг қондирилиши умумий тарзда турмуш даражасини кўрсатади. Турмуш даражаси-аҳоли эҳтиёжларининг қондирилишига қараб баҳоланади. Аҳоли эҳтиёжларининг қондирилиши уларниш фаровон яшаш, узоқ умр кўришининг гаровидир. Бунинг учун эса ана шу эҳтиёжларни қон-дирадиган даражада ишлаб чиқариш зарур.

Ҳозирги замон жаҳон иқтисодиётида эҳтиёжлар ва ишлаб чиқариш нисбати қандайлигига иқтисодчиларнинг алоҳида диққати қаратилаяпти. Эҳтиёжлар билан ишлаб чиқариш нисбатининг ҳозирги даврда асосан 3 варианты мавжуд:

1. **Регрессив**, бундай ҳолат ишлаб чиқаришнинг узоқ муддат туш-кунликда бўлиши натижасида келиб чиқади. Аҳоли истеъмоли микдор жихатдан ҳам, сифат жихатдан ҳам камайиб боради. Иқтисодиётнинг бундай ўзгаришини кичрайиб борувчи спираль, яъни **гирдоб** тарзида кўриш мумкии. Борган сари кишиларнинг энг зарур эҳтиёжларини қондириш ҳам қийинлашиб боради. Ҳозир шундай вазиятни Осиё, Африка, Лотин Америкасининг қатор мамлакатларида кўриш мумкин. Ривожланиб бораётган мамлакатларнинг 2/3 қисмида 80- йилларнинг иккинчи ярми ва 90- йилларда аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш ва даромад қисқариб борган.
2. **Турғун**. Бу вариантда нисбатан чекланган турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам, эҳтиёжлар ҳам секинлик билан ўсиб боради. Яратувчанлик фаолияти сушт, ишлаб чиқариш - тақсимот -айирбошлаш-истеъмол-эҳтиёжлар **доирани** эслатади. Иқтисодиётда умумий турғунлик юз бериб, кўпинча у маҳаллий халқларнинг анъана ва урф-одатлари билан боғланиб кетади. Ҳозирги пайтда бундай аҳвол айрим Осиё ва Африка, Лотин Америкаси мамлакатларида кузатилади.
3. **Прогрессив**. Бунда ишлаб чиқариш ҳажми кўпаяди, сифати яхшиланади, истеъмол ва эҳтиёжлар ўсади. Уии тобора кенгайиб борувчи **спиралсимон** ҳаракат тарзида ифодалаш мумкин. Бир қадар беқарорликка қарамай, ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқариш ҳам, эҳтиёжлар ҳам ўсиб боради.

Биринчи ва иккинчи вариантда эҳтиёжларнинг ўсиб боришига қатор омиллар акс таъсир кўрсатади.

Жамиятнинг моддий ва маънавий маданияти инсонларнинг эҳтиёж доирасини чеклаб, энг зарурларинигина мавжуд бўлишига олиб келади. Бунга шундай ҳоллар таъсир кўрсатади:

- моддий ва маънавий маданиятнинг пастлиги, инсон эҳтиёжларининг энг зарурлари билан чекланиш. Энг зарур эҳтиёжлар эса жуда секин ўсади;
- меҳнат тақсимотининг пастлиги, турли неъматларни ишлаб чиқариш ва эҳтиёжларининг ошиб боришига йўл қўймайди;
- нархларнинг баланд, даромадларнинг пастлиги энг оддий эҳтиёжларни ҳам қондиришга тўсқинлик қилади;

Кўпгина мамлакатларда аҳоли сони уларнинг яшаши учун зарур неъматларни ишлаб чиқаришга нисбатан тез ўсаяпти. Эҳтиёжлар барқарор ўсиб бориши учинчи вариант таъминлашга қодир бўлиб, у меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, аҳолининг пул даромадлари ва аҳоли жон бошига реал бойликнинг кўпайиши билан характерланади. Шу билан бирга, бу ерда эҳтиёжлар билан ишлаб чиқариш ўртасида карама-қаршилик мавжуд. Инсонларнинг хоҳиши билан имконияти мос келмаслиги мумкин.

2. Инсон эҳтиёжлари турли-туман бўлиб, уларни турли усуллар, воситалар орқали қондиришга ҳаракат қилади.

Инсоннинг эҳтиёжини қондириш, яъни тирикчилик, ҳаёт кечиришини таъминлашини восита ва усуллари мажмуи иқтисодий фаолият деб аталади.

Иқтисодий фаолият инсон ҳаётининг асосини ташкил этади. У жуда мураккаб, турли ҳодиса ва жараёнларни ўз ичига олади. Ки-шилиқ жамияти яшар экан, бу жараёнлар узлуксиз давом этади. Иқтисодчилар иқтисодий фаолиятни назарий жиҳатдан тўрт фазага бўлинади: ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимот, истеъмол. Инсонларнинг хўжалиқ юритиш фаолқятининг натижаси ижтимоий маҳсулот бўлиб, унинг қаракати ана шу тўрт фазани босиб ўтади ва узлуксиз такрорланади.

Ишлаб чиқариш. Иқтисодий фаолият ишлаб чиқаришдан бошланади. Бу жараёндан ишлаб чиқариш омиллари ўзаро бирикиб, инсонларнинг турли-туман эҳтиёжларини қондирадиган неъматлар яра-тилади.

Иқтисодчилар ишлаб чиқаришда уч марта йирик инқилоб юз берган ва у мувофиқ тарзда иқтисодий тараққиётда уч марта янги даврни бошлаб берганини эътироф этадилар. Бунда ўзига хос бош-ланғич нуқта ривожланган индустриал (саноат) ишлаб чиқариш-нинг вужудга келиши бўлиб, у марказий ўринни эгаллайди, ундан сўнг: индустриал ишлаб чиқаришга қадар бўлган тоиндустриал ва постиндустриал (лотинча *post* - кейин) даврларга бўлинади.

Ишлаб чиқаришнинг индустриал ривожланишга қадар бўлган (тоиндустриал) босқичи қуйидаги хусусиятларга эга:

- иқтисодиётнинг дастлабки сфераси - қишлоқ хўжалиги устун бўлади;
- аҳоли асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан банд;
- асосан қўл меҳнатига таянади;
- меҳнат тақсимоти ниҳоятда паст, натурал хўжалиқ юритишга асосланади;

- аҳоли эҳтиёжлари турғун ҳолатда бўлган ишлаб чиқаришга хос. Ишлаб чиқаришнинг бу босқичи ҳозир ҳам айрим Африка мамлакатлари (Мали, Гвинея) га хос бўлиб, қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар меҳнат унуми 2 кишини боқиб туради.

Ер шари аҳолисининг кўпайиши, эҳтиёжларнинг ўсиши, уларни қондириш йўллари қидиришга мажбур қилди. Бу охир-оқибат саноат тўнтаришига олиб келдики, у Англияда XVIII асрнинг 60-йилларида бошланиб, АҚШ да XIX асрнинг 50-60-йилларида яқунланди қўл меҳнати машиналар зиммасига юклатилди.

- Индустириал босқич кўйидаги хусусиятлари билан фарқланади: - иқтисодиётда асосий ролни машиналашган саноат ишлаб чиқариши ўйнайди;
- саноат бошқа муҳим тармоқлар (қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт)ни ҳам қайта қуришга олиб келади;
- аҳолининг асосий қисми индустриал тармоқда банд бўлади; меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви рўй бериб, кўпга янги тармоқлар вужудга келади. Натижада иқтисодиётда ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг мураккаб шакли - товар ишлаб чиқариш ривожланади;
- аҳоли урбанизация (urban - шаҳар)си рўй беради;
- аҳолининг асосий қисми шаҳарларда яшай бошлайди;
- ишлаб чиқариш имкониятларининг кенгайиши турли-туман эҳтиёжларни қондириш учун йўл очади.

Иккинчи «демографик портлаш» иқтисодиётнинг индустриаллаштирилиши билан боғлиқ. 1650-1974 йилларда аҳоли 7 марта кўпайди (1650 йили планетамизда 650 млн киши яшаган). Дунё аҳолиси, айниқса кейинги 50 йил ичида тез суръатлар билан кўпайди.

Бунинг натижасида эҳтиёжларни қондириш билан чекланган ишлаб чиқариш имкониятлари ўртасида қарама-қаршилик кучайиб боради. Бу қарама-қаршилик 50- йилларда рўй берган фан-техника инқилоби натижасида ечилмоқда. У хўжалик ривожланиши учун келажакда ниҳоятда катта имкониятлар яратади.

Постиндустриал босқич кўйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

- иқтисодиётнинг муҳим сфераси - хизмат кўрсатиш ниҳоятда тез ривожланади. Унда ишловчиларнинг 50-70% и банд бўлади;
- фан бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланади. Фан ютуқлари натижасида ишлаб чиқаришда табиатда мавжуд бўлмаган маҳсулотлар яратилади;
- замонавий ишлаб чиқариш хўжаликнинг барча тармоқларида ва маиший мақсадларда информатика ва ҳозирги замон ҳисоблаш техникаси ютуқларидан кенг фойдаланилади, жисмоний ва ақлий меҳнатни ҳам автоматлаштириш кучаяди;
- корхоналарда илмий ходимлар ва юқори малакали мутахассисларнинг роли тезлик билан ошиб боради;
- барча турдаги ресурсларни иқтисод қиладиган, маҳсулотни

юқори сифатли бўлишини таъминлайдиган юқори технологияга ўтиш амалга ошади;

- барча кишиларнинг энг зарур эҳтиёжларини тўла қондиришни таъминлаш, юқори даражадаги эҳтиёжларни кенгайтириш имкониятларига эга бўлинади.

Шундай қилиб, узоқ давом этган тарихий иқтисодий тараққиёт натижасида ҳозирги замон ишлаб чиқариши шаклланди. Бир вақт-лар, ҳатто яқин ўтмишдаги ишлаб чиқаришни ҳозирги пайт билан таққослаганда ҳам инсон ақл-заковати эришган ютуқлардан ҳайрат-ланмай иложи йўқ. Ҳозирги замон ишлаб чиқаришини юқоридаги чизмада кўрсаташ мумкин.

Моддий ишлаб чиқариш - аниқ моддий шаклга эга маҳсулотлар - истеъмол буюмлари, турли-туман ускуна, машина, хом ашё ва бошқалар ишлаб чиқаришнинг ўз мчига олади. Моддий ишлаб чиқариш одатда саноат, қурилиш, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги кабилардан ташкил топади.

Номоддий ишлаб чиқариш моддий бўлмаган неъматлар, маънавий, ахлоқий кадрлар, чунончи, маданият, санъат, илмий, маънавий асарлар яратишни ўа ичига олади.

Ҳозирги замон ишлаб чиқаришида хизмат кўрсатиш соҳаси алоҳида ўрин тутди. Хизмат кўрсатиш икки турга - моддий ва номоддий хизмат кўрсатишга бўлинади.

Биринчисига юк транспорти, ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи алоқа, савдо, уй-жой, коммунал хизмати, маиший хизмат кўрсатиш киритилса, иккинчи гуруҳга - маориф, соғлиқни сақуши, саноат, ижтимоий таъминот, молиявий, ахборот, юридик хизмат кўрсатиш ва ҳоказолар киради.

Ҳозирги пайтда замонавий ишлаб чиқариш таркибида инфра-структура алоҳида ажратиб кўрсатилади.

Инфраструктура нормал тарзда ишлаб чиқариш ва одамларнинг ҳаёт кечиришини таъминловчи соҳалардан иборат.

Инфраструктура ишлаб чиқариш, соиал, бозор инфраструктура-расидан иборат бўлиб, ишлаб чиқариш инфраструктурасига йўллар қуриш ва унинг эксплуатацияси, каналлар, портлар, кўприк, аэро-порт, омборхона, энергия узатиш тармоқлари, сув таъмиоти, ка-нализация (оқава тармоқлари) ва бошқаларни қуриш ва унинг хизмат қилишини таъминлаш соҳалари киради.

Социал инфраструктурага маориф, маданият, кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш ва бошқалар киради.

Бозор инфраструктурасига бозорлар, банк ... ва ҳоказо киради.

Инфраструктура барча ишлаб чиқариш ва инсонларнинг ҳаёт кечириш жараёнини бир бутун қилиб боғлайди.

Моддий ишлаб чиқаришнинг тез суръатлар билан ривожланиши, номоддий соҳанинг ҳам ривожланиши имкониятларини кенгайтиради. Чунки, моддий соҳанинг ривожланиши, унда унумдорликнинг ўсиши натижасида бўш иш кучи юзага келади. Бу номоддий соҳани кўшимча иш кучи ва моддий ресурслар билан таъминлаш имконини вужудга келтиради.

Ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатларда моддий ишлаб чиқариш соҳасида унумдорлик юқори бўлгани туфайли иқтисодий фаол аҳолининг 30-50% и шу соҳаларда банд.

Ишлаб чиқаришдан мақсад истеъмол, лекин бозор хўжалигида пировард мақсад билан товар ишлаб чиқарувчининг мақсади мос келмаслиги мумкин. Яъни пировард мақсад истеъмол қилиб, эҳтиёжни қондириш бўлса, товар ишлаб чиқарувчининг мақсади харажатларини қоплаб фойда олишдир. Бунинг учун ишлаб чиқарилган маҳсулот тўғридан-тўғри истеъмол қилинмай, бозорда айирбошланади, яъни сотилади.

Айирбошлаш жараёнида маҳсулотлар маълум миқдорий нисбатда бирига алмаштирилади. Айирбошлаш моддий неъмат ва хизматларнинг бир субъектдан иккинчисига ўтиш жараёнини билдиради. Тарихан олиб қарасак, айирбошлаш икки хил: маҳсулот ва товар айирбошлаш шаклида юз беради.

Бир маҳсулотни бевосита бошқа маҳсулотга маълум миқдорий нисбатда айирбошлаш *бартер* дейилади. Бундай айирбошлаш қулай эмас. Бундай айирбошлаш кишилик жамияти тараққиётининг дастлабки босқичларида қўлланилган.

Товар ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши, ривожланиши билан товар айирбошлаш амал қилади.

Бир маҳсулотни иккинчисига пул воситасида, маълум нарх асосида, яъни олди-сотди йўли билан айирбошлаш товар айирбошлаш дейилади. Бунла товар пулга айирбошланади, кейин эса бу пулга хоҳлаган бошқа товар алмаштирилади. У универсал айирбошлаш, шунинг учун ҳам товар айирбошлаш, олди-сотди айирбошлашнинг энг қулай ва юксак шарт тарзида тан олинади.

Ҳозирги пайтда неоклассик йўналиш вакиллари айирбошлаш-нинг унумли экани, унинг жамият бойлиги кўпайишига таъсир кўрсатишини таъкидлайдилар.

Маълумки, физиократлар фақат қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумли деб тан олсалар, А. Смит ва Д. Рикардолар саноатдаги меҳнат ҳам унумли деб кўрсатишган.

Бу хусусда Маршалл шундай фикрни илгари суради. Умуман олганда инсон моддий неъматлар яратади дейишимизнинг ўзи тўғрими? Ваҳоланки, инсон фақатгина табиат яратган нарсаларнигина фойдалироқ тарада эҳтиёжларини қондиришга мослаштиради. Масалан, ёғочдан стол ясади ёки хом ашё материални шундай жой-лаштирадики, уни табиатга нисбатан кўпроқ фойдали бўлишини охирига етказди. Шу нуқтаи назардан айирбошлаш, ишлаб чиқаришга ўхшаб неъматларни маълум маконда кўчиб юришини таъминлаб, инсон эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга хизмат қилади. Бу жиҳатдан агар бойликни фақат моддий, қўл билан ушлаб, кўз билан кўрадиган нарса сифатида эмас, балки инсон эҳтиёжларини тўлароқ қондириш нуқтаи назаридан қарасак, айирбошлаш ҳам бойликнинг кўпайишига хизмат қилади.

Бойлик фақат моддий ишлаб чиқаришда яратилади, деб таъкидлаш хизматлар кўрсатишни назар-писанд қилмасликка, охир-оқибат бу сфера ривожланишиинг секинлашишига олиб келади.

Тақсимот. Бу яратилган маҳсулотни тақсимлашгина бўлиб қолмай, у ресурслар ёки ишлаб чиқариш омилларини тақсимотини ҳам ифодалайди.

Тақсимот, аввало ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг яратган маҳсулотдаги ҳиссасини аниқлайди. Бу ҳисса энг аввало яратилган маҳсулот миқдори ва сифатига ҳамда унинг реализациясига боғлиқ. Тақсимот ва айирбошлаш ишлаб чиқариш билан истеъмолни шунчаки боғламайди. Кўп жихатдан ишлаб чиқаришнинг самарали бўлишига айирбошлаш ва тақсимотсиз эришиб бўлмайди.

/арб иқтисодчилари иқтисодий хўжалик юритиш фаолиятини А. Смитдан бошлаб, ҳозирги таниқли иқтисодчиларгача айирбошлаш ва тақсимлаш жараёнини тадқиқ қилишдан бошлашган, Бу тасодиф эмас, чунки иқтисодиёт айирбошлаш юз берганда, тақсимот эса айрим кишиларнинг хоҳишига қараб эмас, балки объектив тарзда бозордан оладиган сигналлар асосида амалга ошганда эркин иқтисодиёт сифатида таркиб топади. Маҳсулотларнинг мўл-кўллиги учун тақсимлаш услубларидан, яъни нархлар шаклланишини бозор механизидан миннатдор бўлишимиз керак деган, асримизнинг таниқли иқтисодчиларидан Ф. Хайек.

Иқтисодий ресурслар тақсимоти нарх механизми орқали амалга ошади. Бозор иқтисодиёт шароитида тақсимот мулкчиликка боғлиқ. Яратилган маҳсулотдаги улуш ҳар бир омилнинг мулк эгаси сифатидаги ҳиссаси орқали аниқланади.

Тақсимот қандай тарзда бўлишига қараб, ишлаб чиқаришни фаол янгиланишига таъсир кўрсатади.

Истеъмол - ишлаб чиқариш натижаларидан фойдаланиш эҳтиёжни қондириш жараёнини ифодалайди. Истеъмол икки хил - шахсий ва ишлаб чиқариш истеъмоли бўлади: биринчидан, тирикчилик кечириш учун одамларнинг ўзлари томонидан истеъмол қилинади, иккинчидан, ишлаб чиқаришни давом эттириш учун ишлаб чиқаришнинг ўзида ишлатилади.

Истеъмол фаолият сифатида якка, гуруҳий, умуммиллий тарзда юз беради.

Истеъмол яна қайта маҳсулот ва хизматлар яратишни зарур қилиб қўяди.

Чексиз эҳтиёжни қондириш узлуксиз иқтисодий фаолиятни талаб қилади. Иқтисодий фаолият кишиларнинг маълум бир мақсад йўлидаги хатти-ҳаракатини билдиради. Унинг иштирокчилари айрим кишилар, корхона, фирма, хўжалик ва давлатлар бўлиб, уларни умумий тарзда иқтисодий фаолият субъектлари деб аталади. Улар доимо бир-бирлари билан мунтазам алоқада бўладилар.

3. Меҳнат воситалари ишлаб чиқариш омили сифатида икки хил бўлади:

1. Меҳнат қуроллари, унга қўл меҳнати қуроллари, машина, механизм, ускуна, ўлчаш асбоблари, ҳисоблаш ва алоқа машиналари кабилар киради.
2. Меҳнат шароити воситалари, унга ҳар хил бинолар, иншоотлар, ёрдамчи қурилмалар, йулар, сум омборлари, каналлар киради.

Меҳнат қуроллари инсон билан меҳнат предметлари уртасида туради. Ҳеч қачон меҳнат беш панжанинг ўзи билан бажарилмаган. Иш кучи қуролларини ҳаракатга келтириб, улар воситасида меҳнат предметларига ишлов бериш орқали маҳсулот яратилади. Меҳнат воситалари таркибида турли унсурларнинг аҳамияти ўзгариб туради. Қўл меҳнатига таянган ишлаб чиқаришда инсоннинг ва иш хайвонининг мускул энергияси-кучи бирламчи бўлган. Машиналашган ишлаб чиқаришда табиат кучларини жиловлаш орқали олинган энергиянинг масалан, электр энергияси, иссиқлик энергиясининг аҳамияти бекиёс ортади. Биринчидан, электр энергия машиналарни ҳаракатга келтирувчи куч, иккинчидан эса унинг ўзи ашёларни қайта ишлашда меҳнат қуроли сингари қатнашади. Мураккаб машиналар системасига таянган ишлаб чиқаришда ахборот унинг омилига айланади. Ахборот машиналари системасини ЭҲМ ёрдамида бошқариш учун хизмат қилади. Ҳозирги робототехникани ахборотсиз тасаввур этиб бўлмайди, чунки у ЭҲМ сиз ишлаши мумкин эмас. Хулоса қилсак, ишлаб чиқариш омиллари маълум тизимни ташкил этади, улар ҳар хил ускуналардан иборат, бу ускуналар бажарадиган вазифалар бир хил эмас. Улар бажарадиган вазифалар бир-бирига мослашган шароитда ишлаб чиқариш содир бўлади. Моддийқашёвий омиллари шахсий-инсоний омил билан бириккан тақдирдагина ишлаб чиқариш юз беради, хаётий неъматлар яратиладики, улар биринчидан, моддий маҳсулотлардан, иккинчидан ҳар хил хизматлардан иборат бўлади. Ишлаб чиқариш неъматларининг яратилиши, уларнинг пировард қандай мақсадга ишлатилишига қараб икки қисмга булинади:

1. Моддий ишлаб чиқариш- моддий шаклдаги маҳсулотларни, масалан, озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой ва бошқаларни яратиш ҳамда ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хизматларни яратиш масалан: юк ташиш, йўл хизмати кўрсатиш, ишлаб чиқариш ахборотини узатиш ва ҳоказолар. Мазкур соҳага саноат, транспорт, алоқа, қурилиш, кишлок хўжалиги кабилар киради.

2. Номоддий ишлаб чиқариш - моддий шаклга эга булмаган ва аҳоли учун зарур хизматларни ишлаб чиқариш. Мазкур соҳага аҳолига маданий-маиший, медицина, спорт-физкультура хизмати кўрсатиш, билим бериш хизмати кабилар киради..

Моддий ишлаб чиқариш бирламчи, унга қараб номоддий соҳа ривожланади. Моддий ишлаб чиқариш номоддий соҳа учун иш кучини бўшатиб беради, уни моддий ресурслар билан таъминлайди, бу соҳада ишловчиларни боқади. Унинг даражаси қанча юқори бўлса, номоддий соҳа ҳам шунчалик ривож топади. Масалан: АҚШ да ишлаб чиқариш юқори бўлганидан номоддий ишлаб чиқариш юқори бўлгандан номоддий ишлаб чиқариш соҳасида аҳолининг (ишловчиларнинг) 50 % дан кўпроқ қисмини банд этиш имкони бор. Аксинча, Ўзбекистонда ишлаб чиқариш кам

ривожланганидан ишловчиларнинг фақат 25 % номоддий соҳада банд. Ишлаб чиқариш омилларининг бирикиш усули иқтисодиёт учун катта аҳамиятга эга, чунки шунга қараб, уни ўстирувчи куч пайдо бўлади. Уларнинг бирикиши икки хил бўлади:

1. Билвосита бирикиш. Бунда ўзгага тегишли моддий омиллар ўзганинг иш кучи билан бирикади. Ҳар иккала омилнинг эгаси ҳар хил бўлади. Меҳнат бир томонда бўлса, воситалар иккинчи томондан туради. Шу сабабли меҳнат аҳли бўлмиш ишлаб чиқарувчида манфаатдорлик ва маъсулият кучсиз бўлади.

2. Бевосита бирикиш. Бунда моддий ва шахсий омиллар бир қўлда бўлади, мулкчилик уларни бир-биридан ажратмайди. Ҳам мулк эгаси, ҳам ишловчи айнан бир шахс бўлади. Ўз мулки бўлмиш моддий омилларни ўз кучи билан ишлатиш ишлаб чиқаришни яхши рағбатлантиради, чунки унинг натижаси ишлаб чиқарувчининг ўзига тегади.

Ишлаб чиқариш натижаси унинг омилларининг бирикиш усули билан чегаралаб қолмайди. У энг аввал омилларнинг сифатига, сунгра миқдорига ва ниҳоят уларнинг нисбатига боғлиқдир. Моддий ва шахсий омиллар бир-бирига мос бўлгандангина ишлаб чиқариш раvon ривожланади.

4. Маълумки, истеъмол қилиш учун аввапо ишлаб чиқариш зарур. Ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун эса иқтисодий ресурслар ишлатилади. Иқтисодий ресурслар ишга солинганда у ишлаб чиқариш омилларига айланади. Ишлаб чиқариш юз бериши учун унинг омиллари ҳаракатга келиши шарт.

Иқтисодиёт назариясида ишлаб чиқариш омиллари турлича талқин этилади. Турли назария намояндалари ишлаб чиқариш омилларисиз ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш мумкин эмаслигини таъкидлашади. Лекин уларни талқин қилишда ҳар хил жиҳатдан ёндашилади. Бунда маҳсулот яратишда у ёки бу омилнинг тутган ўрни ва яратилган маҳсулот тақсимотидаги қиссаси ҳақидаги фикрлар бир-биридан фарқ қилади. Француз иқтисодчиси Ж. Б. Сей (1767-1832) ишлаб чиқаришнинг уч омили назариясини асослаб, уларга ер, капитал, меҳнат қиради дейди.

Уларнинг ўзаро таъсири натижасида ишлаб чиқариш юз беради. Маҳсулот яратишда учала омил ҳам қатнашар экан, ҳар бир омил эгаси ана шу омилнинг ҳиссасига кўра даромад олиши кераклигини кўрсатади, ер эгаси - рента, меҳнат қилган иш ҳақи, капитал эгаси фойда олади. Классик сиёсий иқтисод вакиллари ҳам шундай фикрни илгари суришади.

Австрия мактаби асосчиларидан Е. Баверк (1851-1914) ишлаб чиқаришининг икки омили мавжуд, капитал ва меҳнат, ер эса капитал турли-туманлигининг бир кўриниши деб билади. У ишлаб чиқариш омиллари унумдорлигининг маълум бир чегарадан сўнг пасайиб боришини кўрсатади, меъёрий унумдорлик қонуни амал қилишини асослаб беради.

Ишлаб чиқариш омиллари технология ёрдамида бир бутун қилиб боғланади. (Технология - ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширишнинг восита ва услублари тўғрисидаги билимлар, тажрибалар мажмуидир.)

Бозор иқтисодиёти шароитида кўпчилик иқтисодчилар ишлаб чиқаришнинг 4 омилини кўрсатишади. Улар ер, капитал, меҳнат, тадбиркорлик бўлиб, уларнинг ҳар бири даромад келтириш асосига эга.

Иқтисодий ресурслар ишлаб чиқариш омилларига айланиши, улардан оқилона фойдаланиш натижасида маҳсулот яратилади, хизмат кўрсатилади. Омиллар ишлаб чиқаришда алоҳида-алоҳида қатнаша олмайди. Улар биргаликда ҳамда маълум бир нисбатда ишлатилади. Улар доимо бир-бирини тўлдиради. Масалан, машина ўриини жонли меҳнат билан ёки аксинча, табиий ашё ўрнини синтетик ашё билан тўлдириш мумкин. Шунинг учун ресурслардан бири қимматлашса, унинг ўрнини тўлдирадиган бошқа арзон ресурс билан алмаштиришга ҳаракат қилинади.

Ишлаб чиқарувчиларнинг харажатлари шу ресурс эгаларининг даромади бўлади.

Ишлаб чиқариш омиллари эгалари оладиган даромад, шу омилнинг ҳиссасига боғлиқ бўлади. Ер омили тушунчасига иқтисодий нуқтаи назардан фақат ер эмас, балки барча табиий ресурслар киритилади. Унга ҳайдаладиган ерлар, ўрмонлар, сув ресурслари, турли табиий бойликлар, кўмир, нефт, металл, минераллар киради. Улар ишлаб чиқаришнинг табиий шароитини ҳосил қилади. Ер омили (табиий ресурслар) келтирадиган даромад *рента* деб аталади.

Капитал. Капитал ёки инвестицион ресурслар - бу ҳамма ишлаб чиқариш воситаларини ўз ичига олади. Буларга товар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган барча воситалар, яъни машина-ускуна, бино, иншоот, трактор, алоқа воситалари ва бошқа шунга ўхшашлар киради. Ана шу воситаларни ишлаб чиқариш ва жамғариш жараёнини инвестициялаш деб аталади.

Бу ерда икки ҳолатни эслатиш керак: 1) инвестицион товарлар истеъмол товарларидан шуниси билан фарқ қиладики, истеъмол товарлари одамлар эҳтиёжини бевосита қондиради. Инвестицион товарлар эса бевосита, яъни истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун ишлатилиши билан одамлар эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади; 2) капитал деганда бу маънода пул кўзда тутилмайди. Иқтисодчилар кўпинча «пул капитали» иборасини пулни кўзда тутган ҳолда ишлатадилар, лекин бу ерда ишлаб чиқариш воситалари сотиб олиш учун ишлатиладиган пул бўлиши мумкин, холос. Пулнинг ўзи ҳеч нима яратмайди, ишлаб чиқармайди, демак, уни иқтисодий ресурс деб бўлмайди.

Капитал инсон томонидан яратилган меҳнат воситалари, меҳнат қуроллари (машина, асбоб-ускуна, турли аппаратлар, дастгоҳ ва ҳоказолар) ва меҳнатнинг умумий шароитлари бино, иншоотлар, каналлар, йўллар ва ҳоказоларни ҳамда меҳнат ашёларини ўз ичига олади. Меҳнат ашёлари табиий ва хом ашёларда иборат бўлиб, табиий ашёларга табиий бойликлар - кўмир, руда, нефт ва ҳоказолар, хом ашёларга инсон томонидан ишлов берилган материал, қазиб олинган кўмир, нефт, эритилган металл ва ҳоказолар киради.

Уларнинг ҳаммаси **реал капитални** ташкил этади. Реал капитал иқтисодий ресурс бўлади. Пул ёки молия капитали иқтисодий ресурс эмас. Капиталга

инвестицион ресурслар тарзида қарайдиган бўлсак, у келтирадиган даромад, йиллик процент дивиденд тарзида намоён бўлади.

Меҳнат. Меҳнат - бу кенг маънодаги термин бўлиб, иқтисодий нуқтаи назардан инсонларнинг жисмоний ва ақлий қобилиятларини кўзда тутуди (тадбиркорлик қобилияти алоҳида ажратилади). Ҳар қандай касб-ҳунар эгаси, деҳқон, чорвадор, тикувчи, тўкувчи, ўқитувчи ва ҳоказолар бажарган иш меҳнат деб аталади. Меҳнат омилининг яратилган маҳсулотдаги улуши, унинг эгасига иш ҳақи тарзида тегади.

Тадбиркорлик қобилияти. Тадбиркорлик меҳнат ресурсининг алоҳида сифат жиҳатидан фарқ қилувчи томони бўлиб, у ўзининг қуйидаги хусусиятлари билан бошқалардан фарқ қилади.

1. Тадбиркор иқтисодий ресурсларни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ташаббуси ўз зиммасига олади. У фойда келтирадиган иш билан шуғулланиб, ишлаб чиқаришни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида майдонга чиқади.
2. Тадбиркор ўз зиммасига қийин вазифа - бизнесда асосий қарор қабул қилишни олади, яъни корхона фаолияти курсини белгилайди.
3. Тадбиркор - бу новатор, тижорат асосида янги маҳсулот, яъни ишлаб чиқариш технологияси, ҳатто бизнеснинг янги ташкилий шакллари ҳаётга тадбиқ этишга ҳаракат қилувчи.
4. Тадбиркор - бу оқилона таваккал қилиш хатарини ҳисобга олган ҳолда иш юритувчи, тадбиркорнинг фойдаси кафолатланмаган. У фойда ўрнига зарар кўриши, охир-оқибат банкрот бўлиши мумкин, қисқача айтганда, тадбиркор ўз вақти, меҳнати ва обрўси билангина эмас, балки ўзи қуйган маблағ ҳамда шериклари акционерлар маблағлари билан ҳам таваккал қилиб иш юритади.

Тадбиркорнинг ўз қобилиятини ишлатиб, қилган саъй-ҳаракатлари туфайли кўрадиган даромади тадбиркорлик фойдаси деб аталади.

Эҳтиёжлар турли-туман ва чексиз бўлгани ҳолда уларни қондириш учун зарур ресурслар чекланган экан, у ҳолда доимо ишлаб чиқариш омилларини муқобил ишлатиш, улар қўшилишининг энг оқилона вариантини **танлаш муаммоси** келиб чиқади.

Иқтисодий тизимнинг самарали амал қилиш муаммоси - бу танлаш муаммосидир. Бу муаммо иқтисодиётнинг қуйидаги асосий саволларида намоён бўлади.

Нима - маълум бир вақтда қанақа товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш зарур? қанча миқдорда?

Қандай - ишлаб чиқариш омилларининг қапдай комбинация-сини, технологияни танлаш керак?

Ким учун - ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни ким сотиб олади, жамиятда яратилган товар ва хизматлардан олинган даромад қандай тақсимланади?

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ана шу саволларга тўғри жавоб танлаш билан боғлиқ. Бунда тадбиркорнинг, менежернинг қолаверса, ҳар бир раҳбарнинг иқтисодий фикрлаш доираси қандайлиги муҳим роль ўйнайди.

5. Ишлаб чиқариш омилларининг бирикиш усули иқтисодиёт учун катта аҳамиятга эга, чунки унга қараб устирувчи куч пайдо бўлади. Уларнинг бирикиш усули икки хил бўлади:

1. Билвосита бирикиш. Бунда узига тегишли моддий омиллар узганинг иш кучи билан бирикади. Ҳар иккала омилнинг эгаси ҳар хил бўлади. Меҳнат бир томонда бўлса воситалар иккинчи томонда туради. Шу сабабли меҳнат аҳли булмиш ишлаб чиқарувчида манфаатдорлик ва масъулият кучсиз бўлади.
2. Бевосита бирикиш. Бунда моддий ва шахсий омиллар бир кулда бўлади, мулкчилик уларни бир-биридан ажратмайди. Ҳам мулк эгаси, ҳам ишловчи айнан бир шахс бўлади. Уз мулки булмиш моддий омилларни уз кучи билан ишлатиш ишлаб чиқаришни яхши рағбатлантиради, чунки унинг натижаси ишлаб чиқарувчини узига тегади.

Ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари.

Меҳнат воситалари ва меҳнат буюмлари биргаликда ишлаб чиқариш воситаларини ташкил этади. Ишлаб чиқариш воситаларининг такомиллашганлиги даражаси жамият эришган тараққиёт умумий даражасининг энг муҳим ифодасидир. Мавжуд ишлаб чиқариш воситаларини ишга солиш учун зарур бўлган малалка ва кўникмаларга, ақлий ва жисмоний қобилиятларга эга кишилар иш кучи деб аталади. Алоҳида шахсга нисбатан олганимизда иш кучи инсоннинг меҳнат кила олиш қобилиятидир. Шунинг учун ҳам амалиётда меҳнат қилишга қодир кишилар йиғиндисини меҳнат ресурслари деб ҳам аташ расм бўлган.

Ишлаб чиқариш воситалари ва улардан фойдаланишга қодир кишилар (иш кучи) биргаликда жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ташкил этадилар. Ишлаб чиқарувчи кучлар таркибида белгиловчи роль ишлаб чиқариш воситаларига тегишлидир. Чунки ҳар бир инсон учун бу воситалар ривожининг эришилган даражаси объектив реаллик сифатида мавжуд бўлади ва инсон шу даражага мослашишга мажбур. Айни пайтда иш кучи уларга нисбатан фаол роль ўйнади, яъни ишлаб чиқариш воситалари ривожини таъминловчи сифатида майдонга чиқади.

Ишлаб чиқариш воситаларининг иш кучи билан кушилиши натижасида ишлаб чиқариш жараёни содир бўлади. Кишилар ишлаб чиқариш воситаларидан жамиятдан ташқарида туриб эмас, балки жамият аъзолари сифатида фойдаланадилар. Бошқачасига айтганда, ишлаб чиқариш воситаларидан кишилар, асл мазмунини олиб қараганда, биргаликда фойдаланадилар. Ишлаб чиқариш воситалари билан иш кучи қўшилиши учун кишилар уртасида муайян ижтимоий муносабатлар талаб этилади. Мазкур муносабатлар ишлаб чиқариш муносабатлари ёки иқтисодий муносабатлар деб юритилади.

Ишлаб чиқарувчи кучлар ривожининг ҳар бир муфйян босқичида ишлаб чиқариш муносабатларининг маълум системаси амал қилади.

Ишлаб чиқарувчи кучлар ва улар тараққиётининг эришилган даражаси ишлаб чиқаришнинг моддий мазмунини, бу кучларга мувофиқ келувчи ишлаб чиқариш муносабатлари системаси эса ишлаб чиқаришнинг ижтимоий шаклини билдиради.

Ишлаб чиқариш муносабатлари системасида марказий ўринни ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик муносабатлари эгаллайди. Мулкчилик инсоннинг бирор буюмга муносабати орқали ифодаланувчи кишиларнинг ўзаро муносабатларидир. (Жамиятдан ташқарида бу муносабат ўз маъносини йўқотади. Кимсасиз оролдаги Робинзон ҳеч кимга нисбатан ўзиники ёки бошқаники кўринишида муносабатда бўла олмайди. Демак, унинг учун мулкчилик муносабатлари ҳам йўқ).

Иқтисодий муносабатлар системасининг барча элементлари мулкчилик муносабатлари асосида шаклланади.

Мулкчилик муносабатлари реал равишда даставвал ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш жараёнида бу воситаларнинг характериға боғлиқ равишда вужудга келади. Масалан, ибтидоий жамоа ихтиёридаги ишлаб чиқариш воситаларидан фақат жамоага бирлашган ҳолда, бутун жамоаники сифатида фойдаланиш мумкин. Бу шароитда инсон табиат кучлари олдида бутунлай ожиз. Шунга кура жамоа мулкчилиги муносабатлари шаклланади. Якка равишда ишлаб чиқаришни амалга ошириш имконини яратувчи куруллар пайдо бўлиши билан (ўқ-ёй, омуч) хусусий мулкчилик қарор топа бошлайди ва х.к..

Ишлаб чиқариш муносабатларидан ташқарида ишлаб чиқарувчи кучлар ҳаракатлана олмайди. Ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётининг эришилган даражаси ва характериға мос келувчи ишлаб чиқариш муносабатлари уларни янада ривожланиши учун шарт-шароит яратади. Лекин ишлаб чиқарувчи кучлар ривожига мос равишда иқтисодий муносабатларда ўзгаришлар содир булмаса бу муносабатлар уларнинг ривожига тўсқинлик қила бошлайди, яъни ишлаб чиқарувчи кучлардан самарали фойдаланиш мумкин бўлмай қолади.

Ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол.

Ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш жамиятнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган унумли истеъмол буюмларидан (машиналар, ишлаб чиқариш иншоотлари, хом ашё, ёрдамчи материаллар ва х.к.лардан) ҳамда жамият аъзоларининг шахсий, эҳтиёжларини қондирадиган (кийим-кечак, пойафзал, озиқ-овқат моллари, зеби-зийнат буюмлари ва

хоказолар) буюмлар яратишган қаратилади. Иқтисодчилар ижтимоий ишлаб чиқаришни, иккита катта бўлинмага 1 ва 2 бўлинмаларга бўлиб, биринчи марта ана шундай классификация берганлар.

Ижтимоий ишлаб чиқаришни 1 бўлинмасига қўлланилган ишлаб чиқариш воситаларини коплаш ва уни кўпайтиришга кетадиган унумли истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган тармоқлар киради.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг 2 бўлинмасига жамият аъзоларини шахсий истеъмол буюмлари вужудга келтирадиган тармоқлар киради.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг 1 ва 2 бўлинмалари ажралмас бирликни ташкил этади. Бу бирлик шунда намоён бўладики 1-бўлинма ўз ҳолича, 2 бўлинмадан ажралган ҳолда ишлай олмайди. Такрор ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш учун улар уртасида айирбошлаш зарур. Бу айирбошлаш қандай амалга оширилишини, жами ижтимоий маҳсулот барча таркибий қисмларини ҳам қиймат бўйича ҳам натурал шаклда коплаш муаммоси такрор ишлаб чиқаришни марказий бўйинида туради.

Ялпи миллий маҳсулот.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг йиллик моддий натижаси жами ижтимоий маҳсулотдир. У моддий ишлаб чиқариш соҳасида йил давомида яратилган моддий неъматлар ва хизматлар йиғиндисини ифодалайди. Одатда жами ижтимоий маҳсулотни ялпи ижтимоий маҳсулот (моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги барча корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмлари йиғиндиси) сифатида ифодалайдилар. Лекин бу кўрсаткич уз ичига такрорий ҳисобни ҳам олади, яъни жами ижтимоий маҳсулот ҳажмини буюрттириб кўрсатади. Жуда кўп корхоналар маҳсулоти шу йилиёқ бошқа корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқаришда сарфланади, яъни ижтимоий ишлаб чиқариш нуқта назаридан оралик маҳсулотдир. Бир неча бор қайта ишланадиган маҳсулотлар қиймати ЖИМдан чегириб ташланади, шунда ЯММ қолади. Мисол учун жамоа хўжалиги 1 кг пахтани пахта заводига 15 сумга сотди. Уни завод қайта ишлаганда 5 сумлик қиймат қўшилади ва у 20 сўм туради. Уни йигирув ва тўқув фабрикаси олиб газламага айлантирганда 7 сўмлик қиймат қўшилади ва газлама 27 сўм бўлади. Уни тикувчилик сифатида ифодалайдилар. Лекин бу кўрсаткич уз ичига такрорий ҳисобни ҳам олади, яъни жами ижтимоий маҳсулот ҳажмини бўрттириб кўрсатади. Жуда кўп корхоналар маҳсулоти шу йилиёқ бошқа корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқаришда сарфланади, яъни ижтимоий ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан оралик маҳсулотдир. Бир неча бор қайта ишланадиган маҳсулотлар қиймати ЖИМдан чегириб ташланади, шунда ЯММ қолади. Мисол учун жамоа хўжалиги 1 кг пахтани пахта заводига 15 сумга сотди. Уни завод қайта ишлаганда 5 сумлик қиймат қўшилади ва у 20 сум туради. Уни йигирув ва тўқув фабрикаси олиб газламага айлантирганда 7 сумлик қиймат қўшилади ва газлама 27 сум бўлади. Уни тикувчилик фабрикаси олиб куйлакка айлантирганда 8 сумлик қиймат қўшади. Демак тайёр куйлак 35 сўм: уни

магазин шу нархда сотади. Бу ерда ЯММ ҳажмини топиш учун пахта нархи бир марта ҳисобга олинади ва пахта нархига кўшилган қийматлар киритилади. Бизнинг мисолда 15578-35 сум. Агар пахта нархи бир марта эмас, балки хар сафар ҳисобга олинганда ЯММ ҳажми 45 сумга олган булар эди $151515=45\%$. Натижада ЯММ ҳажми 35 ўрнига $80/3545=80\%$ сўмга тенглашар эди. Бу эса 80% ЖИМдир. ЯММ ҳажми уни яратиш учун кетган жами меҳнат эмас, балки уни бозорда тан олинган, яъни бозор нархига кирган қисмини билдиради. Масалан, маҳсулот 50 долларга тушган, лекин у 45 долларга сотилди. Мана шу сўнгги сумма ЯММга киради.

Бундан ташқари ялпи ижтимоий маҳсулот ва унинг таркибий қисмлари бўлган пировард маҳсулот (ялпи ижтимоий маҳсулотдан моддий сарфларни айириш ва амортизация ажратмаларини кўшиш орқали аниқланади) ҳамда соф маҳсулот (миллий даромад) моддий ишлаб чиқариш натижаларини характерлаб берадилар. Номоддий ишлаб чиқариш соҳасидаги иқтисодий фаолият натижалари уларда қамраб олинмайди. Шунинг учун халқаро миқёсда мамлакатлар халқ хўжадиги тараққиёти энг муҳим кўрсаткичларда бири сифатида ялпи миллий маҳсулот қўланади. У халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳасидаги иқтисодий фаолият натижаларини характерлайди. Ишлаб чиқариш соҳасидаги ялпи маҳсулот миқдоран пировард маҳсулотга тенг. Ялпи миллий маҳсулотнинг ҳисоблаб чиқишда асосан икки усулдан фойдаланадилар: маҳсулотлар (товарлар) оқими бўйича ва даромадлар оқими бўйича (таксимот методи). Биринчи усулда истеъмолчиларни пировард истеъмол маҳсулотлари сотиб олишга (пировард маҳсулот) харажатлари аниқланади. Хусусий инвестициялар ва давлатнинг товарлар ва хизматлар харид қилиш харажатлари ҳам бунга кўшилади. Яъни бошқа товарларни ишлаб чиқариш учун сотиб олинган товарларга харажатлар бу ҳисобга кўшилмайди (оралик маҳсулот). Иккинчи усулда ялпи миллий маҳсулот даромадлар, яъни иш ҳақи, фоиз, рента ва фойда йиғиндиси сифатида ҳисоблаб топилади. Бунга яна амортизация ажратмалари билвосита солиқлар (чунки улар товар қиймати таркибига киради) ва ҳукуматнинг аҳолига нафақалари (ҳукумат харажатлари трансферт моддалари) кўшилади. Ҳар иккала учун бир хил натижа беради, лекин биринчи усулни қулайроқ деб ҳисобладилар.

Алоҳида олинган фирмадаги маҳсулот сотиш ҳажми билан бошқа фирмалардан материаллар ва хизматлар сотиб олиш ўртасидаги тафавутни «кўшилган қиймат» деб аталади. Кўриниб турибдики, у фирма доирасидаги ялпи миллий маҳсулот миқдори ифодасидир.

Ялпи миллий маҳсулот жорий баҳоларда ҳисоблаб топилади. Унинг миқдори реал равишда ўзгаришини аниқлаш учун баҳолар индексидан фойдаланадилар. Баҳолар индекси номинал ялпи миллий маҳсулотни реал миллий маҳсулот кўринишида ифодалаш имкониятини беради.

Янги ишлаб чиқаришни ҳақиқий ҳажмини соф миллий маҳсулот (СММ) белгилайди. Соф миллий маҳсулот миқдоран ялпи миллий маҳсулотдан

амортизация ажратмаларини чегириб олингандан сунг қолган қисмига тенг бўлади:

$$\text{СММ} = \text{ЯММ} - \text{Аа}$$

Агар жамиятдаги ялпи маҳсулот 100 млн. бирликка тенг бўлса, шундан 20 млн. бирлик эскирган машиналар, усқунлар, бино-иншоотлар ўрнини қоплаш учун кетди, яъни бу амортизация учун кетган маҳсулот. Ресурс шаклида бўлган, лекин ишлаб чиқариш учун сарфланган маҳсулот ўрнини қоплаш учун керак. Шу сабабли уни чегириб ташлаш зарур. Бизнинг мисолда 100 млн.-20 млн.қ 80 млн.. Мана шу миқдор соф миллий маҳсулотни ташкил этади, у ҳали истеъмол ва ишлаб чиқариш омилларининг ортиб боришини таъминлай олади. СММ моҳияти билан меҳнат туфайли янгитдан ҳосил этилган маҳсулот бўлиб, у пул шаклида ўлчанади. СММ икки қисмдан иборат: 1) зарур маҳсулот: 2) қўшимча маҳсулот. Бу тушунчалар иқтисодиёт тарихидан маълум. Зарур маҳсулот - СММ яратишда ўз меҳнати билан иштирок этганларнинг - ишчи-деҳқон, хизматчиларнинг ишлаш қобилиятини тиклаш, оиласини таъминлаш учун кетадиган маҳсулот. Қўшимча маҳсулот зарур маҳсулотдан ортиқча бўлган маҳсулотдир. Агар зарур маҳсулот иш кучи эгаларига ёки меҳнат соҳибларига тегса, қўшимча маҳсулот моддий ашёвий омил эгаларига, уларнинг даромаддаги ҳиссасига қараб беради. СММ уни яратишда иштирок этган омиллар эгасига даромад бўлиб - ер эгасига рента, капитал эгасига фойда ва фоиз, иш кучи эгасига иш ҳақи, менежерга иш ҳақи ва фойда шаклида тегеди.

СММнинг жамият аъзоларига уларнинг даромади сифатида теккан қисми миллий даромад (МД) деб юритилади.

Миллий даромад.

Жами ижтимоий маҳсулотнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда янгидан яратилган қийматга тенг қисми миллий даромад деб аталади. Бошқачасига айтганда миллий даромад соф маҳсулотнинг пулдаги ифодасидир. Миллий даромад жами ижтимоий маҳсулот ҳажмидан уни яратиш учун сарфланган моддий харажатларни (амортизация, хом ашё, материаллар ва х.к.) чиқариб ташлаш орқали ҳисоблаб топилади. Ишлатилиш характериға кўра у истеъмол фондига ва жамғариш фондига бўлинади.

Миллий даромаднинг дастлабки тақсимланишида бирламчи даромадлар ҳосил бўлади: иш ҳақи, фойда, фоиз ва рента. Бозор муносабатлари (баҳоларнинг қийматдан четлашуви) давлатнинг иқтисодий фаолияти (солиқлар, нафақалар, давлат харидлари, пул сиёсати ва х.к.) натижасида миллий даромад қайта тақсимланади. Оқибатда жамият барча табақаларининг пировард даромадлари шаклланади.

Ривожланган мамлакатлар статистикасида миллий даромадга номоддий ишлаб чиқариш соҳасидаги даромадлар ҳам киритилади. У ялпи миллий маҳсулотдан амортизация олиб ташлаш йўли билан аниқланади.

Миллий даромаднинг барча кўрсаткичлари ҳам мамлакат иқтисодий тараққиёт даражасини ва аҳволни баҳолашда халқ фаровонлигини ифодалашда жуда муҳим роль ўйнайди.

Зарур ва қўшимча маҳсулот.

Ишлаб чиқариш жараёнларининг аниқ натижаси муайян маҳсулотлардан - галда, газлама, машиналар ва х.к.лардан иборат. Бироқ иқтисодиёт назарияси алоҳида олинган ишлаб чиқариш жараёнини эмас балки жамият миқёсидаги, ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнини ўрганади. Унинг натижаси ижтимоий маҳсулот ёки маълум вақт ичида мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар йиғиндисидир.

Ижтимоий маҳсулот жонли ва буюмлашган меҳнат сарфларининг натижасидир. Унинг маълум қисми ишлаб чиқаришда сарфланган ишлаб чиқариш воситалари ўрнини қоплаш учун ишлатилиши керак. Бусиз келгуси даврда ишлаб чиқаришни давом эттириш мумкин эмас. Ижтимоий маҳсулотнинг ишлаб чиқариш воситалари сарфлари ўрнини қоплашдан ортиб қолган қисми соф маҳсулот деб юритилади.

Иш кучини такрор ишлаб чиқариш учун, яъни ходимнинг меҳнат қобилиятини тиклаш ва таъминлаб туриш, меҳнат қобилиятини йўқотганлар ўрнига келадиган ходимлар янги авлодини тайёрлаш харажатлари учун сарфланадиган соф маҳсулотнинг бир қисми зарур маҳсулот деб юритилади.

Иқтисодий тараққиёт давомида ижтимоий ишлаб чиқариш томонидан ходимлар иш кучи сифатига қўйиладиган талаблар кучайиши билан зарурий маҳсулот чегаралари кенгайиб боради.

Соф маҳсулотнинг зарур маҳсулотдан ташқари қисми қўшимча маҳсулот деб аталади. Қўшимча маҳсулот меҳнат унумдорлиги даражаси ходимлар тирикчилигини таъминлаш зарурияти даражасидан кўпроқ маҳсулот яратиш имконини берган пайтдан вужудга келади. Қўшимча маҳсулот вужудга келиши билан кишини киши томонидан эксплуатация қилиниши учун моддий асос пайдо бўлди.

Қўшимча маҳсулот иқтисодий тараққиётнинг манбаи сифатида.

Иқтисодий тараққиёт натижасида қўшимча маҳсулотнинг ортиб бориши уни социал тараққиёт билан боғловчи кўприк бўлиб хизмат қилади. Қўшимча маҳсулот кўпайиши билан ишлаб чиқаришнинг тўхтовсиз ўсиши ва такомиллашуви учун зарурий маҳсулотни кенгайиши учун (халқ фаровонлиги юксалиши), фан ва маданиятни ривожланиши, кишиларнинг бўш вақтидан оқилона фойдаланиш, моддий шароитларини яратиш учун имкониятлар вужудга келади.

Бошқачасига айтсак, меҳнат унумдорлиги қанча юқори бўлса кўшимча маҳсулот ҳажми ҳам шунчалик ортади. Кўшимча маҳсулот қанчалик кўпайса кишилар ҳаётини яхшилаш шароитларини шунчалик изчиллик билан вужудга келтириш мумкин бўлади. Иқтисодчилар ўз вақтида кўрсатган эдики, меҳнат маҳсулининг меҳнатни тиклаб туриш харажатларидан ортиқчаси, бу ортиқча қисмдан ижтимоий ишлаб чиқариш ва резерв фондининг ташкил этилиши ва жамғарилиши - ҳар қандай ижтимоий сиёсий ва ақлий тараққиётнинг асоси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Оралик маҳсулот.

Оралик маҳсулот жами ижтимоий маҳсулотнинг йил давомида ишлаб чиқариш истеъмол учун сарфланган қисмидир, яъни у ишлаб чиқариш жараёнида ишлатилган моддий ресурслар (хом ашё ва материаллар, ёқилғи ва энергия, бутловчи маҳсулотлар ва ярим фабрикатлар) ўрнини қоплаш учун хизмат қилади. Ижтимоий маҳсулотнинг оралик маҳсулотдан ташқари қисми пировард маҳсулотни ташкил этади. Ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида оралик маҳсулот ишлаб чиқаришдаги жорий моддий харажатлар миқдорига мос келади. Ҳар бир корхона ёки тармоқда оралик маҳсулот деб шу ерда ишлаб чиқарилган ва ишлаб чиқариш ички эҳтиёжлари учун ишлатилган маҳсулотни ҳисоблайдилар. Масалан, қора металлургияда тармоқ корхоналарида ишлаб чиқарилган ва тармоқнинг ўзида прокат, қувурлар ва метизлар ишлаб чиқариш учун ишлатилган металл:машинасозликда тармоқ корхоналари бир-бирига етказиб берадиган деталлар, ярим фабрикатлар ва бутловчи маҳсулотлар ва х.к.

Корхоналар ва тармоқлар уртасида ишлаб чиқариш кооперацияси ривожланиши, ижтимоий меҳнат тақсимоли чуқурлашуви туфайли тармоқ ичидаги ва тармоқлараро ишлаб чиқариш истеъмоли тобора ортади. Оралик маҳсулот ҳажмлари ва ижтимоий маҳсулотдаги ҳиссаси кўпаяди. Лекин айни пайтда фан-техника тараққиёти моддий ресурслардан самаралироқ ва тежамлироқ фойдаланиш, маҳсулот материал ва энергия сифимини камайтириш имкониятларини вужудга келтириши билан оралик маҳсулот кўпайишини нисбатан секинлатиш ҳам мумкин бўлади.